



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Туризмнинг иқтисодиётдаги ўрнини статистик баҳолаш методологияси

Жуманова Зилола Туйчиевна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Иқтисодиётда математик методлар кафедраси ўқитувчиси

Ёзишмалар учун электрон почта: zjumanova@gmail.com

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 29.10.2022

Қабул қилинган вақти: 25.11.2022

Таянч сўз ва иборалар: туризм кўрсаткичлари, туризм импорти, туризм экспорти, туризмда ёрдамчи ҳисоблар, кириш оид ва чиқишга оид туризм, ички туризм.

Аннотация

Мақолада туризмнинг инновацион ривожланишини статистик баҳолашнинг назарий-услубий асослари, туризм кўрсаткичлари тадқиқ қилинган. XX асрнинг охирига келиб туризм соҳасида статистик кўрсаткичларни барча мамлакатларда халқаро стандартлар асосида аниқлаш зарурияти пайдо бўлди. Туризм статистикасини ҳисобини олиб бориш бўйича, халқаро тажрибалар турлича ва кўплаб стандартлар мавжуд. Улар тавсия характериға эға. Лекин, ушбу тавсиялар кўпчилик давлатларда миллий хусусиятларни ҳисобға олмаган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасида эса юқорида келтирилган ва таҳлил қилинган стандартлар деярли қўлланилмайди. Шу муносабат билан мақолада Ўзбекистонда халқаро тажриба ва стандартларига таянган ҳолда туризм статистик ҳисобини олиб бориш бўйича тадқиқотлар олиб борилади.

Methodology of statistical assessment of the place of tourism in the economy

Jumanova Zilola Tuychievna

Lecturer at the Department of Mathematical models in economics

in Tashkent state university of economics

e-mail for corresponding the author: zjumanova@gmail.com

ARTICLE INFO

Received: 29.10.2022

Accepted: 25.11.2022

Keywords: tourism indicators, import of tourism, export of tourism, the tourism satellite account, outbound tourism, inbound tourism, domestic tourism.

Abstract

The theoretical and methodological bases of statistical evaluation of innovative development of tourism and tourism indicators are studied in the article. By the end of the 20th century, there was a need to determine statistical indicators in tourism in all countries based on international standards. There are different international practices and many standards for the accounting of tourism statistics. They have a recommendation character. However, these recommendations are being applied in only some countries without considering national characteristics. The above-mentioned and analyzed standards are practically not used in the Republic of Uzbekistan. In this regard, in the article, research is carried out by conducting statistics on tourism in Uzbekistan based on international experience and standards.

Кириш

Ҳозирда барча давлатларда туризм соҳасига бўлган эътибор ортиб бораётган. Туризм юқори даромадликка эга бўлган соҳалардан бири бўлиб, унинг ривожланиши аҳоли бандлигини ва иқтисодиётнинг диверсификациясини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор қарор ва фармонларида туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақоми берилиши билан юртимизга ушбу соҳанинг улкан салоҳиятини рўёбга чиқиши ва жадал ривожланиш йўлига ўтиши учун муштақкам асос яратилди[1].

Ана шундай объектив жараёнда туризм соҳасининг инновацион ривожланишини таъминловчи омилларни ўрганиш иқтисодиётнинг янги ва мураккаб тадқиқот предмети сифатида намоён бўлмоқда. Чуқурлашиб бораётган глобаллашув жараёнлари, жаҳон сиёсий ва иқтисодий ҳаётида рўй бераётган шиддатли ўзгаришлар туризм олдида бир қатор муаммо ва вазифаларни қўндаланг қўймоқда. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун туризмнинг инновацион ривожланишини статистик ёндашув орқали ҳам таҳлил қилиш, баҳолаш ва инновацион ривожланиш омилларини қамраб олган назарий – услубий асосларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

2016 йилга келиб Республикада туризм индустрияси тўлиқ ислоҳ қилинди ва туризм сиёсати давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Демак, 2016 йилдан кейинги йилларни туризм ривожланишининг инновацион босқичи деб аташга асос бор, чунки ушбу босқичда туризм бўйича олиб бориладиган ислохотларларда туризмни инновацион ривожланиш йўли танланди.

Бундай ижобий ўзгаришлар ўз самарасини берди. 2017 йилда кирувчи туристлар сони 2,3 млн киши бўлган бўлса, 2019 йилга келиб 6,0 млн кишидан ошиб кетди, яъни 2,5 бараварга кўпайди. Туризм тушуми кўрсаткичи эса 1,3 млрд. АҚШ долларига яқинлашди. Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясида 2025 йилга келиб туристлар сони 9,0 млн. кишидан ошиши, туризм экспорти эса 2,0 млрд. АҚШ долларидан ортиқ бўлиши белгиланди[16].

Юқорида амалга оширилган ва оширилаётган тадбирлар туризмдаги статистик тенденцияларни ўзгаришига олиб келди. Маълумотларни гувоҳлик беришича тадқиқот даврида кирувчи ва чиқувчи туристлар сони, туризм тушумлари ва харажатлари ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2010 йили Республикага 0,97 минг нафар турист ташриф буюрган бўлса, 2022 қбк чорақда йили кирувчи

туристлар сони 6,21 млн. нафарга етиб, деярли 6 марта ортиб, 2010 йилда Республикадан 1,37 млн. нафар фуқаро четга туристик мақсадга чиққан бўлса, 2022 йилда улар сони 13,0 млн.га яқин фуқаро туристик мақсадга мамлакатдан чиқмоқда. Бу дегани Республиканинг ҳар уч кишидан бири хорижга туристик мақсадга чиқишини англатади. Бизни фикримизча, айнан туристик мақсадга чиқиш ва иммигрант сифатида чиқишни бир-биридан фарқлаш зарур. 13,0 млн. киши чегарадан барча чиққан фуқароларни сони бўлса керак. Бу кўрсаткич ичида чегарада яқин жойда ҳар куни ишга чиқиб келувчилар, доим четдан товар олиб келувчилар ҳам қўшилган. Туризм тушумлари 2010 йилда 280 миллион АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2022 йилда 1,26 млрд. АҚШ долларига етиб, яъни олти марта ортиб. Туризм харажатлари туризм тушумларидан кўра кўпроқ ортиб, 2010 йилдаги 80 миллион АҚШ долларлик туризм харажатлари, 2022 йилда 1,5 млрд. АҚШ долларга етган.

Ушбу даврда туризмнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари: туризмга йўналтирилган инвестиция, туризмда бандлар сони, туризм соҳасидаги ялпи қўшилган қиймат миқдорлари ҳам ўзгариб, инвестиция миқдори 2014 йилда 227 млрд. сўм бўлган бўлса, 2022 йилда 1,9 трлн. сўмга тенг. Туризмда бандлар сониси эса пасайиш тенденцияси кузатилиб, 2010 йилдаги 202 минг киши ушбу соҳада банд бўлган бўлса, 2016 йили 171 минг киши. Кейинги йилларда туризм соҳасига олиб бориладиган ислохотлар натижасида бу соҳадаги ЯҚҚ миқдори кескин ортиб, 2016 йилда 5 трлн. сўмдан 2022 йилга келиб 13 трлн. сўмга етиб, шу қисқа даврда 2,5 бараварга ошган.

Туризм кўрсаткичлари статистик таҳлилда Ўзбекистонда кирувчи ва чиқувчи туристларнинг таҳлили муҳим аҳамият касб этади. Ушбу кўрсаткичларни саккизта давлат мисолида 2010-2019 йиллар учун таҳлил қилинди.

Таҳлил қилинаётган йиллар оралиғида Ўзбекистонга кирувчи туристларнинг энг катта улуши 55,28% Қозоғистондан келувчи туристларга тўғри келади. Тожикистондан келувчи туристлар улуши 13,83% ташкил этса, Қирғизстондан келувчи туристлар эса 11,56% ташкил қилади. Ушбу йиллар давомида Марказий Осиёдан келувчи туристлар 84% ортиқ эканлиги аниқланди. Бошқа давлатлардан келувчи туристлар улуши эса 16% улушни ташкил қилган. Жанубий Кореянинг ҳиссаси 1%дан сал юқоридир.

1-жадвал

2010-2021 йилларда Ўзбекистонга кирувчи ва чиқувчи туристларнинг давлатлар бўйича тақсироти (ўртача)


№	Давлатлар	Кирувчи туристлар сони		Чиқувчи туристлар сони	
		минг киши	%	минг киши	%
1	Қозоғистон	1233	55,28	2239	60,48
2	Тожикистон	308	13,83	300	8,12

3	Қирғизистон	257	11,56	413	11,18
4	Россия	141	6,35	323	8,75
5	Туркменистон	99	4,48	96	2,61
6	Туркия	34	1,6	101	2,73
7	Жанубий Корея	25	1,15	35	0,96
8	Бошқа давлатлар	129	5,8	191	5,16
	Ўртачаси	2230	100	3730	100

Чиқувчи туристлар таҳлилида ҳам деярли ўхшаш ҳолат мавжуд, бунда ҳам Ўзбекистондан чиқувчи энг кўп туристлар Қозоғистон давлатига ташриф буюриб, унинг улуши 60,48%га тенгдир. Қирғизистон ва Тожикистонга ҳам кўплаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташриф буюради, бунда мос равишда уларнинг улушлари 11,28 ва 8,12 % тенг. Марказий Осиё давлатларига Ўзбекистондан йилига

деярли 3 млн.га яқин киши турист бўлиб боради.

Кирувчи ва чиқувчи туристларнинг сафар мақсадларини ўрганиш туристик прогнозларни тузиш ва туризмни ривожлантиришда жуда катта рол ўйнайди. Маълумки, туристлар хизмат юзасидан, ўқишга, сайёҳат қилишга, қариндошларини кўришга, даволанишга, тижорат қилиш мақсадида сафар қилишлари мумкин.



2-расм. 2010-2021 йилларда Ўзбекистонга кирувчи ва чиқувчи туристларнинг сафар мақсадлари бўйича тақсимоли, %

2-расмда келтирилган маълумотларни кўрсатишича, Ўзбекистон Республикасига кейинги йилларда кирувчи ва чиқувчи туристларни 80% ортиғи қариндошлар билан учрашиш ва йўқлаш мақсадида сафарни амалга оширганлар.

Иккинчи ўринда, эса саёҳат мақсадида келганлар, уларнинг ҳиссаси 9% яқин. Кейинги ўринларда

хизмат юзасидан ташриф буюрганлар, даволанишга келганлар, тижорат мақсадида ташриф буюрганлар. Энг ёмон кўрсаткич эса ўқишга келганлар ва кетганлар ҳисобланади. Ўқишга кетганлар, келганларга нисбатан уч баробар юқорилиги ташвишли ҳолат деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар шарҳи

Туризм соҳаси, унинг назарий асослари ва ривожланиши иқтисодий адабиётларда Т.Ташмурадов, А.Саидов, И.С.Тухлиев, С.Сафаров, Ким Ок Кьунг, Н.М.Абдусаломовна, С.Агзамовларлар томонидан чуқур ўрганилган. Туризм турлари, туристик жойлаштириш масканлари, туризм

хизматлари ва маҳсулотлари таҳлил қилинган.

Туризмни инновацион ривожланишини статистик ёндашув асосида ҳам таҳлил қилиши мумкин. Статистиканинг ўрганиш объекти инсоният ҳаётида рўй берадиган барча оммавий воқеа ва ҳодисалардир[2]. Туризм соҳаси ҳам ҳозирда оммавий воқеа ҳодисалар қаторига киради, демак туризм соҳаси статистикага ўрганиш объекти

бўлиши мумкин. Туризм статистикаси туризм кўрсаткичларини ҳисоблашни ўрганиб, кўрсаткичларга таъсир қилувчи омилларни ва уларнинг ўзгариш динамикасини таҳлил қилади.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мавзунини ёритиб беришда таҳлил, синтез, индукция, дедукция, моделлаштириш, эксперимент, тизимли ва комплексли ёндашув усулларидан фойдаланилди.


Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Барча давлатлар туризм статистикасида яъни туризм статистик кўрсаткичларни аниқлашда қийинчиликларга ва муаммоларга дуч келмоқда. Бу ушбу соҳадаги халқаро методология барчага қўллаш учун умумий эмаслигини кўрсатади. Статистик методлар танлаб кузатиш, гуруҳлаш, жамлаш, статистик кузатиш ва бошқа методларни қўллаган ҳола ҳар бир давлат ўз методологиясини ишлаб чиққан ва такомиллаштирмоқда. Туризм статистикасида иккита асосий муаммо мавжуд. Биринчидан, туризм тўғрисидаги маълумотларни халқаро андозаларга таққослаш. Таҳлилимиз шуни кўрсатадики барча давлатлар ўзлари ишлаб чиққан методология асосида кўрсаткичларни аниқлашади. Иккинчидан, энг асосий ва долзарб муаммолардан бири аниқланган туризм кўрсаткичларининг

ишончлиги ва тўлиқлигидир. Бошқача айтганда халқаро туризм кўрсаткичлари ҳақида қандай қилиб ишончли ва тўлиқ маълумотларни йиғиш мумкин.

Жаҳон туризм ташкилоти томонидан 1998 йилда “Туризм бўйича иқтисодий ҳисобот” рисоласини нашр қилинган, ҳужжат шу давргача туризм статистикасида бўлган кўп йиллик тажрибалар асосида ёзилган. Рисоланинг бир бўлими статистик маълумотларни тўплаш ва жамлаш муаммоларига бағишланган. Бунда бирламчи маълумотларни ҳисоблаш бўйича методика келтирилган. Келтирилган метод асосида 1995 йилдаги халқаро туризм кўрсаткичларини ҳисобланган.

Туризм кўрсаткичлари асосан танланма кузатувлар орқали жамланган маълумотлар асосида шакллантирилади. Халқаро статистикада туризм кўрсаткичлари икки гуруҳга асосий туризм кўрсаткичлари ва туризм соҳасини мониторинг қилувчи кўрсаткичларга бўлинади. Туризмнинг асосий кўрсаткичлари саккизта бўлиб, булар қирувчи туристлар сони, чиқувчи туристлар сони, ички туристлар сони, туризм экспорти, туризм импорти, ички туристлар харажати, туризмда бандлик, туризмнинг ялпи ички маҳсулоти кўрсаткичларидир. Ушбу кўрсаткичларни қуйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин.



2-расм. Туризмнинг асосий кўрсаткичлари

Қабул қилинган тавсияларга асосан бирор бир давлат чегарасини кесиб ўтувчи бошқа давлат фуқароси икки гуруҳга бўлинади:

- Туризм статистикасига ҳисобга олинмайдиган халқаро ташриф буюрувчи;
- Туризм статистикасига инобатга олинмайдиган халқаро ташриф буюрувчи.

Қуйидаги халқаро ташриф буюрувчилар туризм статистикасига халқаро турист сифатида инобатга олинмайди[3].

- Чегара ишчилари;
- Халқаро ишчилар;

- Вақтинчалик ва доимий иммигрантлар, ва улар ҳамроҳлари;
- Транзит йўловчилар (аэропорт ва вокзал территориясини тарк этмаганлар);
- Ҳарбий хизматчилар (уларнинг туризм мақсадида чиқиши бундан мустасно);
- Элчихона ва халқаро ташкилот ходимлари ва хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари;
- Қочоқлар, чегарани мажбуран кесиб ўтувчилар;
- Махбуслар ва уларнинг ҳамроҳлари.

Жаҳон туризм ташкилоти қоидаларига кўра

туристик визага эга бўлган халқаро ташриф буюрувчилардан ташқари, даволаниш, қариндошларини кўриш, таълим (бир йилдан ошмаган ҳолда), касбий ва илмий фаолият, диний ва зиёрат, турли хил фестиваллар, спорт ўйинлари, маданий ва маънавий тадбир иштирокчилари ҳам туризм статистикасига турист сифатида ҳисобга олинади.

Хулоса қилиб айтилганда, Жаҳон туризм ташкилоти тавсифига кўра, турист – дам олиш мақсадида бир йилдан ошмаган ва 24 соатдан кам бўлмаган муддатда ўз ҳудудидини тарк этган шахсдир. Бунда у саёҳат давомида пул тўланадиган фаолият билан шуғулланмаслиги зарур. Бу таъриф бизни қонунларимизда ҳам ўз аксини топган.

Илмий нуқтаи назаридан қараганда халқаро турист иқтисодий жиҳатдан фойда келтирувчи манбаадир. БМТ ва БТТ тавсияларига кўра халқаро турист ўзининг саёҳати давомида давлатга пул қолдириши керак. Агар саёҳат давомида ташриф буюрувчи келган давлатидан пул билан таъминланса, қандай қилиб давлатга иқтисодий фойда келтириши мумкин. Бундай ташриф буюрувчи турист ҳисобланмайди. Яна бир ҳолат, агар ташриф буюрувчи келган давлатида бир кеча тунамаса, ва жойлаштирув хизматларидан фойдаланмаса у қисман жуда кичик иқтисодий фойда келтиради. Бундай ташриф буюрувчи экскурсант деб аталади. Ҳозирда жуда кўплаб давлатлар бундай ташриф буюрувчиларни, яъни экскурсантларни турист сифатида эмас балким экскурсант сифатида туризм статистикасига инобатга олинади.

Бир кунлик ташриф буюрувчилар турли транспорт пассажирлари, яқин чегара давлат фуқаролари, автобус туризми вакиллари, яъни бир кунга келиб шу куннинг ўзида ўз давлатига қайтувчи ташриф буюрувчилардир. Бир кунлик ташриф буюрувчилар туризм статистикасига халқаро турист сифатида ҳисобга олинмасада, туризм экспорт ва импорт кўрсаткичларини ҳисоблаганда буларнинг барчасини бир тоифа қилиб, харажатларини нисбатан камроқ ҳолатида ҳисоблаш мумкин. Бир кунлик ташриф буюрувчилар алоҳида бир тоифадир.

Ҳозирда деярли бирор бир давлат халқаро туризм соҳасида туризм экспорти ва импорти кўрсаткичларни аниқлашда ёппасига статистик кузатиш методини қўлламайди ва бунинг иложи ҳам йўқ. Ҳаттоки баъзи давлатлар(учинчи дунё давлатлари) халқаро туризм кўрсаткичлари бўйича БТТга ҳеч қандай маълумот тақдим ҳам этишмайди. Кирувчи ва чиқувчи туристлар сони бўйича барча давлатлар ўз маълумотларига эга чунки бу чегарада амалга оширилади ва давлат хафсизлигини ҳам белгилайди, лекин халқаро туризмда туризм экспорти ва импорти маълумотларни аниқлаш муаммоларга дуч келишади. Чунки танлаб кузатиш методи репрезентативликни ва ишончликни таъминлаши керак.

Таҳлилимиз шуни кўрсатадики, туризм экспортини аниқлаш туризм импортини аниқлашдан кўра қўлайроқ ва осонроқдир. Туризм экспорти, баъзан халқаро туризм даромади деб ҳам юритилади,

давлат ичида, туризм импорти, баъзан халқаро туризм харажати деб ҳам юритилади, давлат ташқарисида амалга оширилиши бунинг асосий сабаби бўлиши ҳам мумкин. БТТ томонидан тақдим қилинадиган ҳар йиллик бютенларда фақат халқаро туризм кўрсаткичлари яъни кирувчи ва чиқувчи туристлар сони, халқаро туризм даромади (туризм экспорти) ва харажати (туризм импорти) маълумотлари берилади. Ушбу маълумотлар асосида БТТ турли таҳлилларни амалга оширади ва туризм ривожланишини прогноз қилади.

Ҳозирда кўплаб давлатлар БМТ ва БТТ томонидан 2008 йилда туризм статистикаси бўйича қабул қилинган методологияси асосида туризм статистикаси кўрсаткичларини қийматини аниқлашда фойдаланмоқдалар.

Халқаро туризмда иккита асосий кўрсаткич мавжуд бўлиб, биринчиси кирувчи ва чиқувчи туристлар сони ва иккинчиси эса туризм экспорти ва импорти кўрсаткичларидир.

Туризм экспорти бу кирувчи туристларнинг ташриф буюрган давлатдан сотиб олган барча туристик маҳсулотлар ва хизматлар ҳажми миқдорига тенг. Туристлар сотиб олиши мумкин бўлган туристик маҳсулотлар ва хизматлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ушбу давлатдан сотиб олган тур хизматлар;
2. Транспорт харажатлари;
3. Виза учун тўлов, валюта айирбошлаш, божхона хизматлари тўловлари;
4. Жойлашган жойлари учун тўловлар;
5. Турли хизматлар ва маҳсулотлар сотиб олиш.

Туризм импорти бу чиқувчи туристларнинг борган давлатларидан харид қилган барча туристик маҳсулот ва хизматлар ҳажмига тенг. Булар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Тур учун тўловлар;
2. Ташриф давомидаги харажатлар;
3. Ташрифдан кейинги харажатлар.

Туризм экспорти ва импорти учун ҳисобга олинмайдиган маҳсулотлар ва хизматлар мавжуд бўлиб, булар саёҳат бошланишидан олдин, саёҳат давомида ва саёҳат тугагандан кейин ҳам бўлиши мумкин. Агар турист саёҳат бошланишидан олдин тур давомида зарур бўладиган маҳсулот ва хизматларни ўзининг давлатидан сотиб олса, масалан, кийим-кечк маҳсулотлари, чемодан ёки ташриф давомида кимгадир бериш учун совғалар харид қилса туризм экспорти ва импорти учун ҳисобга олинмайди. Агар турист тур давомида узоқ муддатга хизмат кўрсатадиган ёки тижорат мақсадида харид қилинадиган маҳсулотлар сотиб олса туризм импорти ва экспорти учун ҳисобга олинмайди. Агар турист саёҳат тугагандан сўнг баъзи харажатларни амалга оширса ҳам туризм харажатларига қўшилмайди, масалан, расмлар учун фотоальбом.

Тўлиқ ва аниқ маълумот олишимиз учун статистик кузатиш ўтказишимиз керак. Статистика фанидан маълумки ёппасига ёки қисман кузатиш методлари мавжуд. Халқаро амалиётда туризм экспорти ва импорти тўғрисида маълумот олишимиз учун давлат чегара постларида чиқувчи ва кирувчи

туристлардан танланма кузатув ўтказишимиз керак. Шунинг билан таъкидлаб ўтказишимиз лозимки, туризм экспорти учун кирувчи туристлардан улар саёҳатни тугатгандан сўнг чегара постдан чиқиб кетаётганларида анкета тарзида маълумот йиғиб, ҳар бир турист учун ўртача харажат топилади ва бир йил давомида ташриф буюрган барча туристлар сонига кўпайтирилади. Шунда туризм экспорти миқдори келиб чиқади.

Туризм импорти миқдорини топишимиз учун дастлаб чиқувчи туристлардан улар саёҳатларини тугатганларидан сўнг чегара постларига кириб келаётганларида анкета орқали қилинган харажатлари топилади. Туризм импорт харажати бир турист учун ўртачаси топилади сўнгга бир йил давомидаги барча чиқувчи турситлар сонига кўпайтирилади.

Ўзбекистон Республикасида охириги марта 2018 йилда танланма кузатув асосида туризм экспорти ва импорти кўрсаткичлари аниқланган. Танланма кузатув Давлат статистика қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ташқи савдо вазирлиги билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилган.

Туризм экспорти ва импорти кўрсаткичларидан ташқари мамлакатдаги ички туризм кўрсаткичлари ҳам танланма кузатувлар асосида аниқланади. Мамлакат ичидаги ташриф буюрувчиларнинг ички туризм бўйича кузатуви аҳоли гавжум жойларда, жумладан, дам олиш масканлари, зиёратгоҳлар, меҳмонхоналар, автомобиль бекатлари, театрлар, маданият уйлари, музейлар, истироҳат боғлари, умумий овқатланиш жойлари(кафе ва барларда), савдо марказлари ва бошқа жойларда амалга оширилади. Кузатув жараёнида туризм турлари бўйича ташриф буюрувчиларнинг жинси, яшаш жойи, харажатлари, сафар мақсади ва сафар давомийлиги, фойдаланилган транспорт тури ва бошқалар кузатилади. Шунингдек, ички туризм бўйича амалга

оширилган сафарлар сони, сафар мақсади, сафар амалга оширилган ҳудуд, сафар давомида фойдаланилган транспорт тури, сафар давомийлиги, сафар давомида қилинган харажатлар(турлари бўйича) тўғрисидаги маълумотлар уй ҳўжаликларининг ички туризм ва аҳолининг жисмоний фаоллиги кузатуви саволномаси асосида кузатилади. Кузатув натижасида олинган маълумотлардан ички туризм бўйича хизматлар ҳажмини ҳисоблашда фойдаланиладир[4].

Туризм иқтисодиётдаги бир неча тармоқни ўзида мужассамлаштириди: транспорт хизмати, меҳмонхоналар хизмати, умумий овқатланиш жойлари, кўнгилочар ва тарихий, маданий объектлар ва бошқа хизматлар. Ушбу соҳаларда хизмат қилаётган кишилар туризм соҳасида бандлар сифатида ҳисобга олинади. Туризм тармоғидаги бандлар тўғрисидаги маълумотлар “1-mehnat shakli” йиллик ҳисоботи, “1-KB shakli” йиллик микрофирма ва кичик корхоналарнинг ҳисоботи, “1-NNT shakli” ва “1-notijorat shakli” нотижорат ташкилотнинг фаолияти тўғрисида ҳисобот маълумотлари асосида шакллантирилади.

Туризм статистикасидаги энг қийин ва энг муаммоли қисми бу туризмнинг ЯИМдаги ўрнини аниқлашдир. БМТ статистика қўмитаси ва БТТ билан биргаликда 1993 йилда бу муаммо қисман ҳал қилинди яъни туризмнинг иқтисодиётдаги ўрнини ҳал қилиш учун туризмда ёрдамчи ҳисоблар(ТЭХ) таклиф қилиниди. 2008 йилда БМТ ва БТТ томонидан такомиллаштирилган ТЭХ таклиф қилинган ва олдинги ТЭХ мавжуд муаммолар бартараф этилди. ТЭХда 10 жадвал мавжуд бўлиб, улар асосида туризмдаги бандлик, инвестиция, туризмнинг ЯИМдаги ўрни аниқланади. Ўзбекистон Республикаси туризм статистикаси амалиётида ҳам ҳозирда ТЭХ қўлланилмоқда.

халқаро андозаларга мувофиқлигини таъминлаш борасида тизимли тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар

Биринчидан, туризм кўрсаткичларини шакллантириш услубияти бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ва халқаро ташкилотлар тавсияларини ўрганиш, илмий – амалий ёндашувларни умумлаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси туризм статистикаси амалиётида фойдаланиш учун туризм кўрсаткичлар услубини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, туризм асосий кўрсаткичлари бўйича кузатув маълумотларнинг ҳамда корхона ва ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган статистика ҳисоботлари маълумотларининг шакллантирилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш зарур.

Учинчидан, туризм асосий кўрсаткичларини йиллик ва чораклик даврийликда шакллантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, туризм кўрсаткичлари ишончлилиги ва сифатини такомиллаштириш ва

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли Фармони;
2. Х. Шодиев, И.Ҳабибуллаев// Статистика асослари Тошкент 2019 йил;
3. Файзибаева Ш.Р./Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш, номзодлик дисс. ЎзМУ, 2006 йил;
4. Eurostat, European Implementation Manual on Tourism Satellite Accounts(Luxembourg 2000);
5. Dritsakis N. (2004). Tourism as long run economic growth factor: An empirical investigation for Greece using causalty analysis. Tourism Economics, 10(3), pp.305-316;
6. R.Durberry, Tourism and economic growth: the case of Mavritius// Tourism economics. 2000.

- Vol.10 (4). Pp. 389-401;
7. D.M.Demioz and S.Ongan (2005), The contribution of tourism to long run Turkish economic growth, *Ekonomicky Casopis*, 9, pp. 880-894;
 8. L.Gunduz and J.A.(Hatemi 2005), Is the tourism led growth hypothesis valid for Turkey?, *AppliedEconomics Letters*, 12, pp 499-504;
 9. C.Oh (2005), The contribution of tourism development to economic growth in the Korean economy, *Torism Management*, 26 (1), pp. 39-44;
 10. R.F. Engle and C.W.J. Granger (1987) Co-integration and error correction: representation, estimation and testing. *Econometrica*. 55 pp. 251-276;
 11. www.worldbankdataopen.org;
 12. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси;
 13. <http://vawilon.ru/statistika-v-turizme/>;
 14. <https://uzbektourism.uz/uz/interaktivnye-uslugi/statistika>;
 15. www.world-tourism.org – Всемирная туристская организация;
 16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикаси туризми жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611 сонли фармони.